



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTINING FARMONI

2025 yil « 19 » сентябрь

№ ПФ–173

Ўзбекистон Республикасида аҳоли ва қишлоқ хўжалигини рўйхатга олиш тадбирини ўтказиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг “Аҳолини рўйхатга олиш тўғрисида”ги ва “Расмий статистика тўғрисида”ги қонунларига мувофиқ, шунингдек, аҳолининг демографик ва ижтимоий-иқтисодий хусусиятлари, яшаш даражаси ва фаровонлиги, қишлоқ хўжалиги ҳолати, таркиби ҳамда аҳолини ижтимоий аҳамиятга молик асосий турдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан таъминлаш истиқболларини баҳолаш тизимини яратиш учун зарур маълумотлар базаларини шакллантириш мақсадида **қарор қиламан:**

I. Мақсадлар

- Қуйидагилар аҳоли ва қишлоқ хўжалигини рўйхатга олишнинг **асосий мақсадлари** этиб белгилансин:
 - мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича давлат сиёсатининг устувор йўналишларини белгилаш учун **38 миллион аҳолининг таркиби ва миграцияси, оилавий ҳолати, фаолият тури, даромад манбалари тўғрисида Европа статистиклари конференциясининг 2020 йилдаги тавсиялари** асосида ягона маълумотлар базасини шакллантириш;
 - 26 миллион гектар қишлоқ хўжалиги ерларининг** фойдаланиш ҳолатини ўрганиш, чорва моллари ва паррандалар сонини аниқлаш орқали қишлоқ хўжалигига йўналтирилаётган **йиллик 25,6 триллион сўм, жумладан, 2,2 триллион сўм бюджет маблағлари** самарали сарфланишини, соҳадаги **хизматлар ҳажмини** аниқлаш ва озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш учун зарур маълумотлар тўпламини яратиш;

- (в) аҳоли ва қишлоқ хўжалигининг ўсиш тенденцияларини ҳудудлар кесимида аниқ ҳисоб-китоб қилган ҳолда ижтимоий соҳа объектларини кенгайтиришга йўналтирилаётган **йиллик 25,2 триллион сўм** маблағнинг **манзилли сарфланишини** таъминлаш;
- (г) республиканинг ҳар бир маъмурий-ҳудудий бирлиги ва маҳаллалар кесимида аҳолининг турли тавсифлари тўғрисида ягона статистик услубиёт асосида халқаро даражада таққослаш мумкин бўлган маълумотларни шакллантириш орқали мамлакатнинг **инвестициявий жозибадорлигини** ва **халқаро рейтинглардаги ўрнини** яхшилаш.

II. Рўйхатга олиш тадбирини ташкил этиш

2. Ўзбекистон Республикасида аҳоли ва қишлоқ хўжалигини рўйхатга олиш (кейинги ўринларда – рўйхатга олиш тадбири) **2026 йил 15 январь** ҳолатига кўра **2026 йил 15 январдан 28 февралга** қадар ўтказилсин.
3. Ўзбекистон Республикасида 2026 йилда аҳоли ва қишлоқ хўжалигини рўйхатга олиш тадбирини ўтказишни ташкил этиш бўйича республика комиссияси (кейинги ўринларда – Республика комиссияси) тузилсин ва унинг таркиби **1-иловага** мувофиқ тасдиқлансин. Бунда Миллий статистика қўмитаси Республика комиссиясининг ишчи органи этиб белгилансин.
4. Республика комиссияси зиммасига **қўйидаги вазифалар** юклатилсин:
- (а) рўйхатга олиш тадбирига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ чора-тадбирларнинг ўз вақтида ҳамда сифатли амалга оширилишини таъминлаш;
- (б) рўйхатга олиш тадбирига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишни молиялаштириш, рўйхатга олиш материалларига ишлов беришни ташкил этиш ҳамда унинг якуний натижаларини эълон қилиш масалаларига доир таклифларни кўриб чиқиш;

(в) рўйхатга олиш тадбирида иштирок этиш учун жисмоний ва юридик шахсларни уларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш масалаларини ҳал қилган ҳолда жалб этиш ишларини ташкил этиш;

(г) рўйхатга олиш тадбири доирасида халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик қилиш.

5. Ўзбекистон Республикасида 2026 йилда аҳоли ва қишлоқ хўжалигини рўйхатга олиш тадбирини ўтказишни ташкил этиш бўйича ҳудудий комиссияларнинг (кейинги ўринларда – ҳудудий комиссиялар) намунавий таркиби **1а-** ва **1б-иловаларга** мувофиқ тасдиқлансин.

6. Белгилансинки:

(а) рўйхатга олиш тадбири **“маҳалла еттилиги”** тизимида ишловчи ходимларни 2025 йил 15 декабрдан 2026 йил 1 мартгача бўлган даврда жалб этиш орқали ўтказилади. Бунда Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси Миллий статистика қўмитаси ҳамда масъул вазирлик ва идоралар билан биргаликда **“маҳалла еттилиги”** тизимида ишловчи ходимлар планшет қурилмаларидан фойдаланган ҳолда рўйхатга олиш тадбири ўтказилишини таъминлайди;

(б) рўйхатга олиш тадбирида рўйхатга олувчи сифатида иштирок этадиган **“маҳалла еттилиги”** тизимида ишловчи ходимлар ва бошқа жалб этиладиган ходимлар Жаҳон банки иштирокида амалга оширилаётган **“Ўзбекистонда статистика тизими салоҳиятини мустаҳкамлаш”** лойиҳаси доирасида меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг **бир ярим баравари миқдорида** (солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни инобатга олган ҳолда) бир марталик рағбатлантирилади. Рағбатлантириш тўловлари тегишли вазирлик, идора ва фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг сўровномасига асосан Миллий статистика қўмитаси томонидан молиялаштирилади;

(в) рўйхатга олиш тadbирига жалб этиладиган ходимлар учун уларнинг асосий иш жойи, лавозими ва ўртача ойлик иш ҳақи сақланади.

7. Қўйидаги ташкилотлар **2025 йил 10 октябрга қадар** Миллий статистика қўмитасига:

(а) **Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси** ҳар бир маҳалла кесимида кўчалар бўйича хонадонлар ва аҳоли сони тўғрисидаги электрон маълумотларни;

(б) **Кадастр агентлиги** қишлоқ хўжалиги ерларидан фойдаланаётган ташкилотлар рўйхатини электрон шаклда тақдим этсин.

8. Рўйхатга олиш тadbiri доирасида **қўйидагилар**:

(а) давлат органлари ва ташкилотлари **2026 йил 15 январдан 31 январга қадар** ўз тизимида фаолият юритаётган барча ходимларнинг **census.stat.uz** порталида рўйхатдан ўтишини;

(б) Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги республикадаги барча ўрта махсус ва касбий таълим ташкилотлари, шунингдек, давлат, нодавлат ва хорижий олий таълим ташкилотлари ва уларнинг филиалларида таҳсил олаётган талабаларнинг **census.stat.uz** порталида рўйхатдан ўтишини;

(в) Қишлоқ хўжалиги вазирлиги Ўзбекистон фермерлари кенгаши, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳамда туман (шаҳар)лар ҳокимликлари билан биргаликда фермер хўжаликлари, юридик шахс ташкил этган деҳқон хўжаликлари, қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар ва асосий фаолияти қишлоқ хўжалиги бўлмаган қишлоқ хўжалиги ерларидан фойдаланаётган корхона ва ташкилотларнинг Интернет тармоғи орқали рўйхатдан ўтишини;

(г) Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги, Мудофаа вазирлиги, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Миллий гвардия, Ички ишлар вазирлиги, Давлат хавфсизлик хизмати, Ташқи ишлар вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Дин ишлари бўйича қўмита **2025 йил 1 ноябрдан бошлаб** аҳолининг айрим тоифаларини рўйхатга олиш ишлари **2-иловага** мувофиқ ташкил этилишини таъминласин.

9. Вазирлик, идора ва ташкилотлар томонидан тақдим этиладиган шахсга ва қишлоқ хўжалиги фаолиятига доир маълумотлар рўйхати **3-иловага** мувофиқ тасдиқлансин. Бунда тегишли маълумотлар **2026 йил 15 февралга қадар** “Электрон ҳукумат” тизимининг идоралараро интеграциялашув платформаси орқали Миллий статистика қўмитасига тақдим этилади.

10. Рўйхатга олиш тадбири доирасида вазирлик, идора ва тижорат банклари раҳбарлари ва уларнинг ўринбосарлари ҳудуд, туман ва шаҳарларга **4-иловага** мувофиқ бириктирилсин, улар зиммасига туман (шаҳар) ҳокимликлари билан биргаликда қуйидаги вазифалар юклатилсин:

(а) туман (шаҳар)ларда рўйхатга олиш штабларини ташкил этиш ва уларнинг фаолиятини назорат қилиш;

(б) ҳар бир маҳаллада “**маҳалла еттилиги**” тизимида ишловчи ходимлар томонидан рўйхатга олиш тадбирига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш ишларини ташкил этиш;

(в) туман (шаҳар)ларни рўйхатга олиш ва ҳисоб участкаларига бўлиш бўйича ишлаб чиқилган **ташкилий режа** асосида рўйхатга олиш тадбирини ташкил этиш ва назорат қилиш;

(г) рўйхатга олиш тадбирини ўтказиш учун зарур бўладиган бинолар ёки хоналар ажратиш, шунингдек, уларни тегишли моддий-техника базаси ва транспорт воситалари билан таъминлаш;

(д) аҳолининг айрим тоифаларини рўйхатга олиш ишларини тегишли вазирлик, идора ва ташкилотлар билан ҳамкорликда амалга ошириш.

11. Рўйхатга олиш тадбирига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича услубий, ташкилий ҳамда маълумотларни қайта ишлаш ва эълон қилиш ишларини амалга ошириш мақсадида:

(а) вазирлик ва идораларда мақбуллаштирилган штат бирликлари ҳисобидан Миллий статистика қўмитаси марказий аппарати бошқарув ходимларининг умумий чекланган сони 14 та штат бирлигига оширилсин;

(б) 2025 йил 1 октябрдан 2026 йил 1 майга қадар ҳудудий статистика бошқармаларининг ҳар бирида фуқаролик-ҳуқуқий тусдаги шартнома асосида Миллий статистика қўмитасига 2026 йилда рўйхатга олиш тадбирига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш учун ажратиладиган Ўзбекистон Республикаси республика бюджети маблағлари ҳисобидан 5 нафардан мутахассис жалб этилсин.

12. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳамда туман (шаҳар)лар ҳокимликлари:

(а) 2025 йил 10 октябрга қадар ҳудудий комиссиялар таркибини тасдиқласин;

(б) 2025 йил 20 октябрга қадар ҳудудий комиссияларнинг чора-тадбирлар режасини тасдиқласин;

(в) 2025 йил 1 ноябрга қадар:

(i) туман (шаҳар)ларда рўйхатга олиш штаби фаолиятини ташкил этсин ҳамда рўйхатга олиш тадбирида иштирок этадиган асосий ва захира ходимлар рўйхатини шакллантирсин ва тасдиқласин;

(ii) рўйхатга олиш тадбирини ўтказишга жалб этиладиган ходимларни ўқитиш учун мебеллар ва алоқа воситалари билан жиҳозланган вақтинча бино ёки хоналарни ажратсин;

(г) 2025 йил 15 ноябрга қадар ҳудуд, туман (шаҳар)ларни рўйхатга олиш ва ҳисоб участкаларига бўлган ҳолда ташкилий режаларни тасдиқласин;

(д) доимий равишда рўйхатга олиш тадбирининг аҳоли ўртасида кенг ёритилишини ташкил этсин;

(ж) рўйхатга олиш тадбирининг ўз вақтида ва сифатли ўтказилишини таъминласин ҳамда бунинг учун амалга оширилаётган ишлар бўйича кунлик назоратни ўрнатсин.

III. Рўйхатга олиш тадбири давомида тарғибот-ташвиқот ишларини ташкил этиш

13. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпания, Рақамли технологиялар вазирлиги рўйхатга олиш тадбирининг мақсад ва вазифалари оммавий ахборот воситалари, Интернет ва ижтимоий тармоқларда қуйидагиларни инобатга олган ҳолда кенг ёритилишини таъминласин:

(а) республика ва маҳаллий оммавий ахборот воситаларида махсус кўрсатув ва эшиттиришлар ташкил этиш;

(б) видеороликлар ва ижтимоий рекламаларни телевидениеда намойиш этиш ва ижтимоий тармоқларга жойлаштириш;

(в) СМС-хабарнома юборишни ташкил этиш.

IV. Фармон ижросини ташкил этиш, таъминлаш ва назорат

14. Вазирлар Маҳкамаси **бир ой муддатда** Ўзбекистон Республикасида 2026 йилда аҳоли ва қишлоқ хўжалигини рўйхатга олишни ўтказиш бўйича ташкилий чора-тадбирлар режасини тасдиқласин.

15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 25 декабрдаги ПҚ–455-сон қарори билан тасдиқланган Биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчиларнинг 2025–2027 йиллар учун бюджет маблағларидан фойдаланиш билан боғлиқ мақсадли индикаторларига **5-иловага** мувофиқ ўзгартириш киритилсин.

16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим фармонлари **6-иловага** мувофиқ ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

- 17.** Рўйхатга олиш тадбирининг тўғри ташкил этилиши ва самарали ўтказилишига масъул ва шахсий жавобгар этиб Миллий статистика қўмитаси раиси Б.С. Ҳамраев ва қишлоқ хўжалиги вазири И.Ю. Абдурахмонов белгилансин.
- 18.** Ушбу Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**



Ш. Мирзиёев

Тошкент шаҳри

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2025 йил 19 сентябрдаги ПФ–173-сон Фармонига
1-илова

**Ўзбекистон Республикасида 2026 йилда аҳоли ва қишлоқ хўжалигини
рўйхатга олиш тадбирини ўтказишни ташкил этиш бўйича
республика комиссияси
ТАРКИБИ**

- | | |
|------------------------|---|
| 1. А.Н. Арипов | — Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири,
<i>Республика комиссияси раиси</i> |
| 2. Ж.А. Қўчқоров | — Бош вазир ўринбосари — иқтисодиёт ва молия
вазири, <i>Республика комиссияси раиси</i>
<i>ўринбосари</i> |
| 3. Б.С. Ҳамраев | — Миллий статистика қўмитаси раиси,
<i>Республика комиссияси раиси ўринбосари</i> |
| 4. И.Ю. Абдурахмонов | — қишлоқ хўжалиги вазири,
<i>Республика комиссияси раиси ўринбосари</i> |
| 5. З.Б. Махкамова | — Бош вазир ўринбосари – Оила ва хотин-қизлар
қўмитаси раиси |
| 6. К.К. Куранбаев | — Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси раиси |
| 7. Б.Н. Курбанов | — Давлат хавфсизлик хизмати раиси |
| 8. Н.Т. Йўлдошев | — Бош прокурор |
| 9. Р.М. Джураев | — Миллий гвардия қўмондони |
| 10. Ш.Г. Халмухамедов | — мудофаа вазири |
| 11. А.А. Ташпулатов | — ички ишлар вазири |
| 12. Б.Б. Кудратходжаев | — фавқулодда вазиятлар вазири |
| 13. Б.О. Саидов | — ташқи ишлар вазири |
| 14. А.Ж. Ташкулов | — адлия вазири |
| 15. Ш.Х. Шерматов | — рақамли технологиялар вазири |
| 16. А.А. Худаяров | — соғлиқни сақлаш вазири |
| 17. Б.Э. Захидов | — камбағалликни қисқартириш ва бандлик
вазири |
| 18. О.А. Назарбеков | — маданият вазири |

- | | |
|----------------------|--|
| 19. К.А. Шарипов | — олий таълим, фан ва инновациялар вазири |
| 20. Э.Г. Каримова | — мактабгача ва мактаб таълими вазири |
| 21. И.Р. Махкамов | — транспорт вазири |
| 22. Ш.С. Хидоятлов | — қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазири |
| 23. Б.Т. Норқобилов | — Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитаси раиси |
| 24. А.Ю. Мавлонов | — Божхона қўмитаси раиси |
| 25. Ф.Ж. Пулатов | — Кадастр агентлиги директори |
| 26. У.М. Юсупов | — “Ўзархив” агентлиги директори |
| 27. А.А. Хаитов | — Ўзбекистон фермерлари кенгаши раиси |
| 28. А.К. Кўчимов | — Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги бош директори |
| 29. А.А. Джурабаев | — Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси раиси |
| 30. З.Ғ. Нарзуллаев | — “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ бошқаруви раиси |
| 31. Ш.Ш. Худайкулов | — “Uzbekistan Airways” АЖ бошқаруви раиси |
| 32. Ж.О. Умарходжаев | — “Uzbekistan Airports” АЖ бошқаруви раиси |
| 33. О.Н. Мирзаев | — “Киберхавфсизлик маркази” давлат унитар корхонаси директори |
| 34. З.М. Зияев | — Миллий статистика қўмитаси раиси ўринбосари,
Республика комиссияси котиби |

Изоҳ: Комиссия аъзолари бошқа ишга ўтган тақдирда, унинг таркибига ушбу лавозимларга янгидан тайинланган шахслар ёки зиммасига тегишли функцияларни бажариш юкланган шахслар киритилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2025 йил 19 сентябрдаги ПФ–173-сон Фармониغا
1а-илова

**Ўзбекистон Республикасида 2026 йилда аҳоли ва қишлоқ хўжалигини
рўйхатга олиш тадбирини ўтказишни ташкил этиш бўйича
Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар
ва Тошкент шаҳри ҳудудий комиссияларининг
НАМУНАВИЙ ТАРКИБИ**

- (лавозими бўйича) – Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимлари, *Комиссия раиси*
- (лавозими бўйича) – Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг биринчи ўринбосари, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимларининг молия-иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича биринчи ўринбосарлари, *Комиссия раиси ўринбосари*
- (лавозими бўйича) – Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри прокурори, *Комиссия раиси ўринбосари*
- (лавозими бўйича) – Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар статистика бошқармалари бошлиқлари, *Комиссия раиси ўринбосари*
- (лавозими бўйича) – Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг қишлоқ ва сув масалалари бўйича ўринбосари ва вилоятлар ҳокимларининг қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича ўринбосарлари
- (лавозими бўйича) – Қорақалпоғистон Республикаси Оила ва хотин-қизлар қўмитаси раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри оила ва хотин-қизлар бошқармалари бошлиқлари
- (лавозими бўйича) – Ўзбекистон маҳаллари уюшмасининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бошқармалари бошлиқлари
- (лавозими бўйича) – Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри Давлат хавфсизлик хизмати бошқармалари бошлиқлари
- (лавозими бўйича) – Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бўйича Миллий гвардия бошқармалари бошлиқлари
- (лавозими бўйича) – Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри мудофаа ишлари бошқармалари бошлиқлари
- (лавозими бўйича) – Қорақалпоғистон Республикаси ички ишлар вазири, вилоятлар ички ишлар бошқармалари бошлиқлари ҳамда Тошкент вилояти ва Тошкент шаҳри ички ишлар бош бошқармалари бошлиқлари

- (лавозими бўйича)* – Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри фавқулодда вазиятлар бошқармалари бошлиқлари
- (лавозими бўйича)* – Қорақалпоғистон Республикаси адлия вазири, вилоятлар ва Тошкент шаҳри адлия бошқармалари бошлиқлари
- (лавозими бўйича)* – Рақамли технологиялар вазирлигининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳудудий бошқармалари бошлиқлари
- (лавозими бўйича)* – Қорақалпоғистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазири, вилоятлар соғлиқни сақлаш бошқармалари бошлиқлари ва Тошкент шаҳри соғлиқни сақлаш бош бошқармаси бошлиғи
- (лавозими бўйича)* – Қорақалпоғистон Республикаси камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазири, вилоятлар ва Тошкент шаҳри камбағалликни қисқартириш ва бандлик бошқармалари бошлиқлари
- (лавозими бўйича)* – Қорақалпоғистон Республикаси маданият вазири, вилоятлар ва Тошкент шаҳри маданият бошқармалари бошлиқлари
- (лавозими бўйича)* – Қорақалпоғистон Республикаси олий таълим, фан ва инновациялар вазири, вилоятлар ва Тошкент шаҳри олий таълим, фан ва инновациялар бошқармалари бошлиқлари
- (лавозими бўйича)* – Қорақалпоғистон Республикаси мактабгача ва мактаб таълими вазири, вилоятлар ва Тошкент шаҳри мактабгача ва мактаб таълими бошқармалари бошлиқлари
- (лавозими бўйича)* – Қорақалпоғистон Республикаси транспорт вазири, вилоятлар транспорт бошқармалари ва Тошкент шаҳри транспорт ва йўл-транспорт инфратузилмасини ривожлантириш бош бошқармаси бошлиқлари
- (лавозими бўйича)* – Минтақавий темир йўл ўзеллари бошлиқлари
- (лавозими бўйича)* – Қорақалпоғистон Республикаси қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазири, вилоятлар ва Тошкент шаҳри қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармалари бошлиқлари
- (лавозими бўйича)* – Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Кадастр агентлигининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳри бошқармалари бошлиқлари
- (лавозими бўйича)* – Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри архив иши ҳудудий бошқармалари бошлиқлари
- (лавозими бўйича)* – Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси тизимидаги ҳудудий телерадиокомпаниялар директорлари

Изоҳ: Комиссия аъзолари бошқа ишга ўтган тақдирда, унинг таркибига ушбу лавозимларга янги тайинланган ёки зиммасига тегишли функцияларни бажариш юкланган шахслар киритилади.

**Ўзбекистон Республикасида 2026 йилда аҳоли ва қишлоқ хўжалигини
рўйхатга олиш тадбирини ўтказишни ташкил этиш бўйича
туман (шаҳар) ҳудудий комиссияларининг
НАМУНАВИЙ ТАРКИБИ**

- (лавозими бўйича)* – туман (шаҳар) ҳокими, *Комиссия раиси*
- (лавозими бўйича)* – туман (шаҳар) ҳокимининг молия-иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича биринчи ўринбосари, *Комиссия раиси ўринбосари*
- (лавозими бўйича)* – туман (шаҳар) прокурори, *Комиссия раиси ўринбосари*
- (лавозими бўйича)* – туман (шаҳар) статистика бўлимлари бошлиқлари, *Комиссия раиси ўринбосари*
- (лавозими бўйича)* – туман (Қувасой шаҳар) ҳокимларининг қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича ўринбосарлари
- (лавозими бўйича)* – туман (шаҳар) оила ва хотин-қизлар бўлимлари бошлиқлари
- (лавозими бўйича)* – Ўзбекистон маҳаллари уюшмасининг туман (шаҳар) бўлимлари бошлиқлари
- (лавозими бўйича)* – Давлат хавфсизлик хизмати туман (шаҳар) бўйича бўлимлари бошлиқлари
- (лавозими бўйича)* – туман (шаҳар) мудофаа ишлари бўлимлари бошлиқлари
- (лавозими бўйича)* – туман (шаҳар) ички ишлар бўлимлари бошлиқлари
- (лавозими бўйича)* – туман (шаҳар) фавқулодда вазиятлар бўлимлари бошлиқлари
- (лавозими бўйича)* – туман (шаҳар) адлия бўлимлари бошлиқлари
- (лавозими бўйича)* – туман (шаҳар) соғлиқни сақлаш бўлимлари бошлиқлари
- (лавозими бўйича)* – туман (шаҳар) камбағалликни қисқартириш ва бандликка кўмаклашиш бўлимлари бошлиқлари
- (лавозими бўйича)* – туман (шаҳар) маданият бўлимлари бошлиқлари
- (лавозими бўйича)* – туман (шаҳар) мактабгача ва мактаб таълими бўлимлари бошлиқлари
- (лавозими бўйича)* – туман (шаҳар) қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлимлари бошлиқлари
- (лавозими бўйича)* – Кадастр агентлиги туман (шаҳар) бўлимлари бошлиқлари

Изоҳ: Комиссия аъзолари бошқа ишга ўтган тақдирда, унинг таркибига ушбу лавозимларга янги тайинланган ёки зиммасига тегишли функцияларни бажариш юкланган шахслар киритилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2025 йил 19 сентябрдаги ПФ–173-сон Фармонига
2-илова

**Айрим вазирлик ва давлат идоралари томонидан рўйхатга олиш
ишлари ташкил этиладиган аҳолининг айрим тоифалари
РЎЙХАТИ**

Т/р	Вазирлик, идора ва ташкилот номи	Шахсга доир маълумотлар тавсифи
1.	Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги	“Саховат” ва “Мурувват” уйларида яшовчи ногиронлар ва боқувчиси йўқ қариялар, Тошкент, Самарқанд ва Урганч шаҳарларидаги болалар маҳаллаларида яшайдиган етим болалар ва ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган болалар.
2.	Мудофаа вазирлиги, Фавқулодда вазирлар вазирлиги, Миллий гвардия	Чақирув асосида муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчилар, контракт бўйича ҳарбий хизматга жалб этилган ҳарбий хизматчилар бўлган ва уларнинг ёпиқ ҳудудларда яшаётган оила аъзоси бўлган респондентлар, ҳарбий таълим муассасалари курсантлари.
3.	Ички ишлар вазирлиги	Қамоқхоналар, қамоқда сақлаш жойлари, тергов ҳибсхонаси (изоляторлар), ахлоқ тузатиш муассасаларида сақланаётган шахслар ва ҳарбий таълим муассасалари курсантлари.
4.	Давлат хавфсизлик хизмати	Тергов ҳибсхонаси (изоляторлар), ахлоқ тузатиш муассасаларида сақланаётган шахслар ва ҳарбий таълим муассасалари курсантлари.
5.	Ташқи ишлар вазирлиги	Ўзбекистон Республикасининг дипломатик ваколатхоналари ва консуллик муассасалари, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг халқаро ташкилотлар ҳузуридаги ваколатхоналари ходимлари бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ҳамда уларнинг ўзи билан бирга бўлган оила аъзолари, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги томонидан халқаро ҳукуматлараро ташкилотлардаги квоталанган лавозимларга юборилган фуқаролар.
6.	Соғлиқни сақлаш вазирлиги	Руҳий-асаб касалликлари шифохоналари, бошқа касалликлар бўйича даволаш муассасаларида доимий яшовчи фуқаролар.
7.	Дин ишлари бўйича қўмита	Диний муассасаларда (черковлар, масжидлар) яшайдиган ёки таҳсил оладиган респондентлар.

Изоҳ: маълумотлар жисмоний ва юридик шахслар ёки объектлар кесимида уларнинг
идентификатор кодлари билан тақдим этилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2025 йил 19 сентябрдаги ПФ–173-сон Фармони
3-илова

**Вазирлик, идора ва ташкилотлар томонидан тақдим этиладиган
шахсга ва қишлоқ хўжалиги фаолиятига доир маълумотлар
РЎЙХАТИ**

Т/р	Вазирлик ва идора номи	Шахсга ва қишлоқ хўжалиги фаолиятига доир маълумотлар таснифи	Маълумот даврийлиги
1.	Адлия вазирлиги	Оила таркиби тўғрисидаги тўлиқ маълумотлар базасини электрон шаклда	2025 йил 1 октябрь ҳолатига, 2026 йил 15 январь ҳолатига
2.	Ички ишлар вазирлиги	Аҳолининг таркиби, оилавий ҳолати ва миграцияси, доимий яшаш ва вақтинча турган жойи тўғрисида маълумотлар	
3.	Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги	Аҳолининг меҳнат фаолияти ва чет эл фуқароларининг меҳнат фаолияти	2026 йил 15 январь ҳолатига
4.	Қишлоқ хўжалиги вазирлиги	Қишлоқ хўжалиги фаолиятига доир кўрсаткичлар	2026 йил 15 январь ҳолатига
5.	Солиқ қўмитаси	Расмий иш билан банд бўлган фуқароларга оид маълумотлар	2026 йил 15 январь ҳолатига
6.	Кадастр агентлиги	Тураржой маълумотлари	2026 йил 15 январь ҳолатига
7.	Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси	Оилалар сони, аҳолининг таркиби, оилавий ҳолати ва меҳнат фаолиятига оид маълумотлар	2026 йил 15 январь ҳолатига
8.	Ўзбекистон фермерлари кенгаши	Фермер хўжаликларида қишлоқ хўжалиги фаолиятига доир кўрсаткичлар	2026 йил 15 январь ҳолатига
9.	Туман ва шаҳар ҳокимликлари	Ҳокимлик захирасидаги ер майдонларига оид маълумотлар	2026 йил 15 январь ҳолатига

Изоҳ: маълумотлар жисмоний ва юридик шахслар ёки объектлар кесимида уларнинг идентификатор кодлари билан тақдим этилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2025 йил 19 сентябрдаги ПФ–173-сон Фармонига
4-илова

**Рўйхатга олиш тадбири доирасида вазирлик, идора ва тижорат
банклари раҳбарлари ва уларнинг ўринбосарларини
ҳудуд, туман ва шаҳарларга бириктириш
ЖАДВАЛИ**

Т/р	Бириктирилган масъул	Ҳудуд номи
ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ Ш.Р.Хамраев – сув хўжалиги вазири		
1.	М.Омаров – транспорт вазирининг биринчи ўринбосари	Нукус шаҳри
2.	Ш.Сафаров – “Ўзтрансгаз” АЖ бошқаруви раиси ўринбосари в.в.б.	Амударё тумани
3.	Д.Кутлиев – АТ “Халқ банки” бошқаруви раисининг биринчи ўринбосари	Беруний туман
4.	М.Юнусов – “Ўзэлтехсаноат” уюшмаси раиси	Кегейли тумани
5.	Ф.Абдурахманов – “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ бошқаруви раиси ўринбосари	Мўйноқ тумани
6.	У.Мамадаминов – энергетика вазири ўринбосари	Нукус тумани
7.	К.Собиров – Ўзбекистон фермерлари кенгаши раисининг биринчи ўринбосари	Тахтакўпир тумани
8.	А.Камилджанов – “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ бошқаруви раиси ўринбосари	Тўрткўл тумани
9.	И.Эргашев – Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги директори	Хўжайли тумани
10.	Ш.Якубов – “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ бошқаруви раиси ўринбосари	Чимбой тумани
11.	Д.Исақулов – “Ўзбекистон миллий электр тармоқлари” АЖ бошқаруви раиси	Шуманай тумани
12.	М.Куранов – Миграция агентлиги директори ўринбосари	Элликқалъа тумани
13.	М.Мирзаев – Солиқ қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари	Қонликўл тумани

Т/р	Бириктирилган масъул	Ҳудуд номи
14.	А.Юлдашев – “Ўзбекистон миллий электр тармоқлари” АЖ бошқаруви раиси ўринбосари	Қораўзак тумани
15.	Д.Умаров – “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ бошқаруви раиси ўринбосари	Қўнғирот тумани
16.	С.Мамаюсупов – Миллий гвардия қўмондонининг ўринбосари	Тахиатош тумани
17.	И.Абдугафаров – транспорт вазири ўринбосари	Бўзатов тумани
АНДИЖОН ВИЛОЯТИ Б.Э.Захидов – камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазири		
18.	Ф.Ташпулатов – соғлиқни сақлаш вазири ўринбосари	Андижон шаҳри
19.	Ш.Каримов – мактабгача ва мактаб таълими вазирининг биринчи ўринбосари	Хонобод шаҳри
20.	Ф.Тўраев – “Ўзавтосаноат” АЖ бошқаруви раиси ўринбосари	Андижон тумани
21.	А.Камалов – Марказий банк раиси ўринбосари	Асака тумани
22.	С.Раджабов – олий таълим, фан ва инновациялар вазирининг биринчи ўринбосари	Балиқчи тумани
23.	А.Хусанов – Миграция агентлиги директори ўринбосари	Булоқбоши тумани
24.	О.Адилов – Автомобиль йўллари қўмитаси раиси ўринбосари	Бўстон тумани
25.	И.Касимов – инвестициялар, саноат ва савдо вазири ўринбосари	Жалақудуқ тумани
26.	Б.Мусаев – Миграция агентлиги директори	Избоскан тумани
27.	М.Юнусов – Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти бошлиғининг биринчи ўринбосари	Қўрғонтепа тумани
28.	А.Файзибаев – Солиқ қўмитаси раиси ўринбосари	Марҳамат тумани

Т/р	Бириктирилган масъул	Ҳудуд номи
29.	М.Жураев – камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирининг биринчи ўринбосари	Олтинкўл тумани
30.	Б.Шарипов – “Бизнесни ривожлантириш банки” АТБ бошқаруви раиси ўринбосари	Пахтаобод тумани
31.	Б.Сиддиков – “Ўзбекнефтгаз” АЖ бошқаруви раиси	Улуғнор тумани
32.	С.Аннакличев – “Бизнесни ривожлантириш банки” АТБ бошқаруви раиси	Хўжаобод тумани
33.	С.Турдиев – “Нуроний” жамғармаси бошқаруви раиси	Шаҳрихон тумани
БУХОРО ВИЛОЯТИ		
Д.А.Ваҳобов – Савдо-саноат палатаси раиси		
34.	О.Бутаев – “Микрокредитбанк” АТБ бошқаруви раиси	Бухоро шаҳри
35.	А.Бобоев – соғлиқни сақлаш вазирининг биринчи ўринбосари	Когон шаҳри
36.	С.Садуллаев – иқтисодиёт ва молия вазири ўринбосари	Бухоро тумани
37.	Б.Алланиязов – “Микрокредитбанк” АТБ бошқаруви раиси ўринбосари	Вобкент тумани
38.	У.Шадиев – Туризм қўмитаси раиси	Жондор тумани
39.	Д.Адилов – қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазири ўринбосари	Когон тумани
40.	А.Олимов – Марказий банк раиси ўринбосари	Олот тумани
41.	И.Мамажонов – “Микрокредитбанк” АТБ бошқаруви раиси ўринбосари	Пешку тумани
42.	Ж.Казбеков – экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазири ўринбосари	Ромитан тумани
43.	Ж.Умарходжаев – “Uzbekistan airports” АЖ бошқаруви раиси	Шофиркон тумани
44.	Ж.Турсунов – Автомобиль йўллари қўмитаси раиси	Қоракўл тумани

Т/р	Бириктирилган масъул	Ҳудуд номи
45.	Р.Юсупов – тоғ-кон саноати ва геология вазири ўринбосари	Қоровулбозор тумани
46.	Ш.Ибрагимова – “Микрокредитбанк” АТБ бошқаруви раиси ўринбосари	Ғиждувон тумани
ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ		
И.К.Джуманиязов – “Микрокредитбанк” АТБ бошқаруви раиси ўринбосари		
47.	Ш.Махмудов – спорт вазири ўринбосари	Жиззах шаҳри
48.	У.Абидхаджаев – иқтисодиёт ва молия вазири ўринбосари	Арнасой тумани
49.	Н.Сайдуллаев – Марказий банк раисининг биринчи ўринбосари	Бахмал тумани
50.	Қ.Сариев – Миллатлараро муносабатлар ва хориждаги ватандошлар масалалари бўйича қўмитаси раиси	Дўстлик тумани
51.	А.Рахимов – Ўзбекистон фермерлари кенгаши раиси ўринбосари	Шароф Рашидов тумани
52.	Ж.Турдиев – “Агробанк” АТБ бошқаруви раисининг биринчи ўринбосари	Зарбдор тумани
53.	Ю.Усмонов – маданият вазири ўринбосари	Зафаробод тумани
54.	А.Асқаров – “Ҳудудий электр тармоқлари” АЖ бошқаруви раиси	Зомин тумани
55.	Э.Кахоров – “Агробанк” АТБ бошқаруви раиси	Мирзачўл тумани
56.	В.Очилов – “Агробанк” АТБ бошқаруви раиси ўринбосари	Пахтакор тумани
57.	Б.Амирсaidов – “Ўзбекгидроэнерго” АЖ бошқаруви раисининг биринчи ўринбосари	Фориш тумани
58.	У.Розукулов – “Ўзавтосаноат” бошқаруви раиси	Янгиобод тумани
59.	А.Жуманазаров – Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги директори	Ғаллаорол тумани
ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ		
Ш.С.Хидоятлов – қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазири		
60.	Н.Мухаммадиев – адлия вазири ўринбосари	Қарши шаҳри

Т/р	Бириктирилган масъул	Ҳудуд номи
61.	А.Хаитов – Ўзбекистон фермерлари кенгаши раиси	Шаҳрисабз шаҳри
62.	О.Темиров – “Ўзкимёсаноат” АЖ бошқаруви раиси	Деҳқонобод тумани
63.	Ж.Ўроқов – АТ “Алоқабанк” бошқаруви раиси ўринбосари	Касби тумани
64.	М.Рахмонов – “Ўзтрансгаз” АЖ бошқаруви раисининг биринчи ўринбосари	Китоб тумани
65.	Ф.Боқиев – мактабгача ва мактаб таълими вазири ўринбосари	Косон тумани
66.	О.Қудратов – экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирининг биринчи ўринбосари	Миришкор тумани
67.	Б.Йўлдашев – Таълим сифатини таъминлаш миллий агентлиги директори	Муборак тумани
68.	И.Норқулов – иқтисодиёт ва молия вазирининг биринчи ўринбосари	Нишон тумани
69.	Р.Қаршиев – сув хўжалиги вазири ўринбосари	Чироқчи тумани
70.	А.Қаюмов – “Ўзбекистон республика товар-хон ашё биржаси” АЖ бошқаруви раиси	Шаҳрисабз тумани
71.	Б.Юсупалиев – Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги қўмитаси раиси	Яккабоғ тумани
72.	А.Назиров – “Ўзбекистон миллий электр тармоқлари” АЖ бошқаруви раисининг биринчи ўринбосари	Қамаши тумани
73.	Ш.Худайкулов – “Uzbekistan airways” АЖ бошқаруви раиси	Қарши тумани
74.	Ж.Абдусаламов – Туризм қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари	Ғузор тумани
75.	З.Камолов – “Ўзбекистон республика товар-хон ашё биржаси” АЖ бошқаруви раисининг ўринбосари	Кўкдала тумани

Т/р	Бириктирилган масъул	Ҳудуд номи
НАВОИЙ ВИЛОЯТИ И.Р.Махкамов – транспорт вазири		
76.	А.Ортиқов – Давлат активларини бошқариш агентлиги директори	Навоий шаҳри
77.	А.Миралиев – Давлат активларини бошқариш агентлиги директори ўринбосари	Зарафшон шаҳри
78.	Е.Антонов – “Навоий кон-металлургия комбинати” АЖ бош директорининг биринчи ўринбосари	Ғозғон шаҳри
79.	Т.Ахмедов – “Туронбанк” АТБ бошқаруви раиси ўринбосари	Кармана тумани
80.	Ж. Файзуллаев – “Навоийуран” ДК бош директори	Конимех тумани
81.	Т.Комилов – мактабгача ва мактаб таълими вазири ўринбосари	Навбаҳор тумани
82.	Қ.Санақулов – “Навоий кон-металлургия комбинати” АЖ бошқаруви раиси – бош директори	Нурота тумани
83.	Ж.Хасанов – “Навоий кон-металлургия комбинати” АЖ бош директори ўринбосари	Томди тумани
84.	Қ.Тапаров – “Навоий кон-металлургия комбинати” АЖ бош директори ўринбосари	Учқудуқ тумани
85.	Ч.Мирзаев – “Туронбанк” АТБ бошқаруви раиси	Хатирчи тумани
86.	Д.Рустамов – “Туронбанк” АТБ бошқаруви раиси ўринбосари	Қизилтепа тумани
НАМАНГАН ВИЛОЯТИ К.А.Тўлаганов – “Асака банк” АЖ бошқаруви раиси		
87.	Ғ.Каршибоев – Ўрмон ва яшил ҳудудларни кўпайтириш, чўлланишга қарши курашиш агентлиги директорининг биринчи ўринбосари	Наманган шаҳри
88.	О.Жўраева – қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазири ўринбосари	Давлатобод тумани

Т/р	Бириктирилган масъул	Ҳудуд номи
89.	О.Омонов – соғлиқни сақлаш вазири ўринбосари	Янги Наманган тумани
90.	Д.Курбанов – Савдо-саноат палатаси раисининг биринчи ўринбосари	Косонсой тумани
91.	О.Умаров – рақамли технологиялар вазирининг биринчи ўринбосари	Мингбулоқ тумани
92.	Ф.Қурбонов – “Ўзбекистон миллий электр тармоқлари” АЖ бошқаруви раиси ўринбосари	Наманган тумани
93.	А.Қобилов – энергетика вазири ўринбосари	Норин тумани
94.	Д.Расулов – Савдо-саноат палатаси раиси ўринбосари	Поп тумани
95.	Б.Анаркулов – “Ўзбекнефтгаз” АЖ бошқаруви раиси ўринбосари	Тўрақўрғон тумани
96.	Ш.Алиризаев – “Ўзбекнефтгаз” АЖ бошқаруви раисининг биринчи ўринбосари	Уйчи тумани
97.	Х.Тешабаев – инвестициялар, саноат ва савдо вазири ўринбосари	Учқўрғон тумани
98.	О.Фазилкаримов – иқтисодиёт ва молия вазири ўринбосари	Чортоқ тумани
99.	З.Мустафақулов – Ўзбекистон фермерлари кенгаши раиси ўринбосари	Чуст тумани
100.	Ш.Хайруллаев – “Асакабанк” АЖ бошқаруви раиси ўринбосари	Янгиқўрғон тумани
САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ А.Ж.Вахабов – Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси бошлиғи		
101.	Ш.Хабибуллаев – Гидрометеорология хизмати агентлиги директори	Самарқанд шаҳри
102.	А.Муратов – камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазири ўринбосари	Каттақўрғон шаҳри
103.	А.Ходжаев – “Ўзмиллийбанк” АЖ бошқаруви раиси ўринбосари	Булунғур тумани
104.	А.Хайдаров – Ҳазначилик хизмати қўмитаси раиси	Жомбой тумани

T/р	Бириктирилган масъул	Ҳудуд номи
105.	А.Саъдуллаев – Ёшлар ишлари агентлиги директори	Иштихон тумани
106.	Ж.Абдиев – Солиқ қўмитаси раиси ўринбосари	Каттақўрғон тумани
107.	Э.Баситхонова – соғлиқни сақлаш вазири ўринбосари	Нарпай тумани
108.	М. Джуманиязов –“Ўзтўқимачиликсаноат” уюшмаси биринчи ўринбосари	Нуробод тумани
109.	Х.Ахмедов – АТ “Халқ банки” бошқаруви раиси ўринбосари	Оқдарё тумани
110.	А.Тошпулатов – “Ўзтрансгаз” АЖ бошқаруви раиси ўринбосари	Пайариқ тумани
111.	З.Курбанов – ички ишлар вазири ўринбосари	Пастдарғом тумани
112.	М.Истамов – адлия вазири ўринбосари	Пахтачи тумани
113.	Ф.Хамидова – тоғ-кон саноати ва геология вазирининг биринчи ўринбосари	Самарқанд тумани
114.	Э.Мухитдинов – Ўрмон ва яшил ҳудудларни кўпайтириш, чўлланишга қарши курашиш агентлиги директори	Тойлоқ тумани
115.	Б.Жалилов – “Ўзмиллийбанк” АЖ бошқаруви раиси ўринбосари	Ургут тумани
116.	Ш.Тўйчибаев – “Ўзбекзаргарсаноати” уюшмаси раиси	Қўшрабат тумани
СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ		
Ж.О.Урунов – Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил ўринбосари		
117.	Ж.Каршибаев – иқтисодиёт ва молия вазирининг маслаҳатчиси	Гулистон шаҳри
118.	Х.Рахметов – “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ бошқаруви раисининг биринчи ўринбосари	Ширин шаҳри
119.	Б.Маматкаримов – энергетика вазирининг биринчи ўринбосари	Янгиер шаҳри
120.	О.Пекось – рақамли технологиялар вазирининг биринчи ўринбосари	Боёвут тумани

Т/р	Бириктирилган масъул	Ҳудуд номи
121.	Ғ.Насиров – Божхона қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари	Ғулистон тумани
122.	М.Курбанов – Давлат захираларини бошқариш қўмитаси раиси	Мирзаобод тумани
123.	Ф.Насриев – “Агробанк” АТБ бошқаруви раиси ўринбосари	Оқолтин тумани
124.	Ж.Чориев – транспорт вазири ўринбосари	Сайхунобод тумани
125.	М.Ходжаев – “Ҳудудгазтаъминот” АЖ бошқаруви раиси	Сардоба тумани
126.	А.Хайдаров – иқтисодиёт ва молия вазири ўринбосари	Сирдарё тумани
127.	М.Якубов – “Ҳудудгазтаъминот” АЖ бошқаруви раисининг биринчи ўринбосари	Ховос тумани
СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ		
Б.Б.Кудратходжаев – фавқулодда вазиятлар вазири		
128.	Н.Кадиров – фавқулодда вазиятлар вазири ўринбосари	Термиз шаҳри
129.	А.Сангинов – “Ўзбекгидроэнерго” АЖ бошқаруви раиси	Ангор тумани
130.	Б.Умаров – “Ўзтрансгаз” АЖ бошқаруви раисининг биринчи ўринбосари	Бойсун тумани
131.	С.Абдувалиев – “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ бошқаруви раиси ўринбосари	Денов тумани
132.	Ў.Шералиев – сув хўжалиги вазири ўринбосари	Жарқўрғон тумани
133.	А.Турдалиев – Марказий банк раиси ўринбосари	Музработ тумани
134.	Э.Ризаев – “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ бошқаруви раиси ўринбосари	Олтинсой тумани
135.	Ш.Назаров – Автомобиль йўллари қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари	Сариосиё тумани
136.	Қ.Ҳакимов – “Ўзбекнефтьгаз” АЖ бошқаруви раиси ўринбосари	Термиз тумани
137.	А.Акбаржонов – “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ бошқаруви раиси	Узун тумани

Т/р	Бириктирилган масъул	Ҳудуд номи
138.	Т.Саттаров – Ўзбекистон фермерлари кенгаши раиси ўринбосари	Шеробод тумани
139.	Ш.Гуламов – инвестициялар, саноат ва савдо вазири ўринбосари в.б.	Шўрчи тумани
140.	А.Абдуллаев – Кадастр агентлиги директори ўринбосари	Қизирик тумани
141.	Х.Сотиев – фавқулодда вазиятлар вазири ўринбосари	Қумқўрғон тумани
142.	Ф.Махмудов – “Ўзбекгидроэнерго” АЖ бошқаруви раисининг биринчи ўринбосари	Бандихон тумани
ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ Н.Т.Йўлдошев – Бош прокурор		
143.	Б.Ахмедов – маданият вазирининг биринчи ўринбосари	Ангрен шаҳри
144.	Ш.Рабиев – адлия вазири ўринбосари	Бекобод шаҳри
145.	У.Садуллаев – Солиқ қўмитаси раиси ўринбосари	Олмалиқ шаҳри
146.	Ш.Атабаев – АТ “Халқ банки” бошқаруви раиси	Чирчиқ шаҳри
147.	Б.Усмонов – Давлат мулки объектларидан самарали фойдаланиш маркази директори	Оҳангарон шаҳри
148.	С.Ларионов – “Олмалиқ кон-металлургия комбинати” АЖ бошқаруви раиси ўринбосари в.б.	Нурафшон шаҳри
149.	Б.Қурбонов – Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги қўмитаси раиси ўринбосари	Янгийўл шаҳри
150.	М.Маджидов – маданият вазири ўринбосари	Бекобод тумани
151.	С.Муродов – “Электрон онлайн аукционларни ташкил этиш” АЖ директори	Бўка тумани
152.	Д.Назармухамедов – ички ишлар вазири ўринбосари	Бўстонлиқ тумани
153.	М.Атаджанов – Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ижро этувчи директори	Зангиота тумани

Т/р	Бириктирилган масъул	Ҳудуд номи
154.	З.Ишпулатов – сув хўжалиги вазири ўринбосари	Оққўрғон тумани
155.	А.Холмуродов – АТ “Алоқабанк” бошқаруви раиси ўринбосари	Оҳангарон тумани
156.	А.Суванкулов – “Ўзсувтаъминот” АЖ бошқаруви раиси в.б.	Паркент тумани
157.	М.Исмаилов – спорт вазири ўринбосари	Пискент тумани
158.	Б.Маматов – “Олмалиқ кон-металлургия комбинати” АЖ бошқаруви раисининг биринчи ўринбосари	Чиноз тумани
159.	С.Бобоқулов – камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазири ўринбосари	Юқори Чирчиқ тумани
160.	Ш.Тўхтабоев – Бош прокурор ўринбосари	Янгийўл тумани
161.	А.Хурсанов – “Олмалиқ кон-металлургия комбинати” АЖ бошқаруви раиси	Ўрта Чирчиқ тумани
162.	А.Махаматов – “Тадбиркорликни ривожлантириш компанияси” АЖ директори	Қибрай тумани
163.	М.Валиев – Давлат кадастрлари палатаси раиси	Қўйи Чирчиқ тумани
164.	А.Азизов – Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги директори	Тошкент тумани
ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ		
А.Ю.Мавлонов – Божхона қўмитаси раиси		
165.	О.Воҳидов – “Бизнесни ривожлантириш банки” АТБ бошқаруви раиси ўринбосари	Фарғона шаҳри
166.	Ф.Пулатов – Кадастр агентлиги директори	Марғилон шаҳри
167.	И.Рахимов – “Ўзсаноатқурилишматериаллари” уюшмаси бошқаруви раиси в.в.б.	Қувасой шаҳри
168.	М.Икрамов – адлия вазири ўринбосари	Қўқон шаҳри
169.	О.Хасанов – Республика Маънавият ва маърифат маркази раҳбари	Бағдод тумани
170.	Э.Якубов – “Ўзбекқўмир” АЖ бош директори ўринбосари	Бешариқ тумани
171.	Ж.Махсудов – рақамли технологиялар вазири ўринбосари	Бувайда тумани

Т/р	Бириктирилган масъул	Ҳудуд номи
172.	Т.Алиматов – қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазири ўринбосари	Данғара тумани
173.	Ж.Мустафаев – “Ўзкимёсаноат” АЖ бошқаруви раисининг биринчи ўринбосари	Ёзёвон тумани
174.	С.Шерматов – “Олмалиқ кон-металлургия комбинати” АЖ бошқаруви раиси ўринбосари в.б.	Олтиариқ тумани
175.	Н.Абдуллаев – Агросаноатни ривожлантириш агентлиги директори	Риштон тумани
176.	О.Ибрагимов – Божхона қўмитаси раиси ўринбосари	Сўх тумани
177.	Ф.Карабаев – Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитаси раиси ўринбосари	Тошлоқ тумани
178.	С.Мелибаев – Марказий банк раиси ўринбосари	Учкўприк тумани
179.	Ф.Рузиев – АТ “Халқ банки” бошқаруви раиси ўринбосари	Фарғона тумани
180.	С.Зупаров – фавқулодда вазиятлар вазирининг биринчи ўринбосари	Фурқат тумани
181.	А.Таджиханов – маданият вазирининг биринчи ўринбосари	Ўзбекистон тумани
182.	Б.Бобожонов – “Бизнесни ривожлантириш банки” АТБ бошқаруви раиси ўринбосари	Қува тумани
183.	А.Султанов – “Ўзчармсаноат” уюшмаси раиси	Қўштепа тумани
ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ		
Ҳ.С.Турахужаев – Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитаси раиси		
184.	А.Исаков – “Ўзтрансгаз” АЖ бошқаруви раиси в.б.	Урганч шаҳри
185.	С.Абдуллаев – Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги директори ўринбосари	Хива шаҳри
186.	З.Нарзуллаев – “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ бошқаруви раиси	Боғот тумани
187.	С.Нишанбоев – ички ишлар вазири ўринбосари	Гурлан тумани

Т/р	Бириктирилган масъул	Ҳудуд номи
188.	Ж.Абруев – Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги директори ўринбосари	Урганч тумани
189.	С.Закиров – “Асакабанк” АЖ бошқаруви раисининг биринчи ўринбосари	Хива тумани
190.	Ш.Салиев – “Асакабанк” АЖ бошқаруви раиси ўринбосари	Хонқа тумани
191.	А.Гайбуллаев – “Ҳудудий электр тармоқлари” АЖ бошқаруви раисининг биринчи ўринбосари	Шовот тумани
192.	С.Талибжанов – “Асакабанк” АЖ бошқаруви раиси ўринбосари	Янгиариқ тумани
193.	Н.Мусамухамедов – Божхона қўмитаси раиси ўринбосари	Янгибозор тумани
194.	Н.Шадиходжаев – Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ижро этувчи директори ўринбосари	Қўшқўпир тумани
195.	А.Абдукадиров – “Uzbekistan airports” АЖ бошқаруви раисининг биринчи ўринбосари	Ҳазорасп тумани
196.	А.Турдибаев – “Ҳудудгазтаъминот” АЖ бошқаруви раиси ўринбосари	Тупроққалъа тумани
ТОШКЕНТ ШАҲРИ		
С.А. Мирзаев – Ҳисоб палатаси раиси ўринбосари		
197.	С.Усманбеков – “Ўзмиллийбанк” АЖ бошқаруви раисининг биринчи ўринбосари	Бектемир тумани
198.	Б.Жураев – “Иссиқлик электр станциялари” АЖ бошқаруви раиси	Мирзо Улуғбек тумани
199.	А.Агзамов – “UzGasTrade” АЖ бошқаруви раиси	Миробод тумани
200.	Ф.Шаисматов – “Иссиқлик электр станциялари” АЖ бошқаруви раиси ўринбосари	Олмазор тумани
201.	С.Артиков – “Ўзбекистон миллий электр тармоқлари” АЖ бошқаруви раисининг биринчи ўринбосари	Сергели тумани
202.	А.Курбанов – “Ўзкимёсаноат” АЖ бошқаруви раиси ўринбосари	Учтепа тумани
203.	Т.Турдиев – “Ҳудудгазтаъминот” АЖ бошқаруви раиси ўринбосари	Чилонзор тумани

Т/р	Бириктирилган масъул	Ҳудуд номи
204.	А.Джураев – “Иссиқлик электр станциялари” АЖ бошқаруви раиси ўринбосари	Шайхонтоҳур тумани
205.	Р.Шеров – “Ўзбекнефтгаз” АЖ бошқаруви раиси ўринбосари	Юнусобод тумани
206.	А.Каримов – спорт вазири ўринбосари	Яккасарой тумани
207.	Т.Хайдаров – “Ўзсувтаъминот” АЖ бошқаруви раисининг биринчи ўринбосари	Яшнобод тумани
208.	А.Мирсоатов – “Ўзмиллийбанк” АЖ бошқаруви раиси	Янгиҳаёт тумани

Изоҳ: ҳудуд, туман ва шаҳарларга бириктирилган вакиллар бошқа ишга ўтган тақдирда, рўйхатга олиш тадбири доирасида амалга ошириладиган ишлар ушбу лавозимларга янгидан тайинланган шахслар ёки зиммасига тегишли функцияларни бажариш юкланган шахслар томонидан бажарилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2025 йил 19 сентябрдаги ПФ–173-сон Фармонига
5-илова

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 25 декабрдаги
ПҚ–455-сон қарори билан тасдиқланган Биринчи даражали бюджет
маблағларини тақсимловчиларнинг 2025–2027 йиллар учун бюджет
маблағларидан фойдаланиш билан боғлиқ мақсадли индикаторларига
киритилаётган ўзгартириш**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 25 декабрдаги
ПҚ–455-сон қарори билан тасдиқланган Биринчи даражали бюджет
маблағларини тақсимловчиларнинг 2025–2027 йиллар учун бюджет
маблағларидан фойдаланиш билан боғлиқ мақсадли индикаторларининг
15.2-позицияси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“	15.2.	Дастур номи: Ўзбекистон Республикасида 2026 йилда аҳоли ва қишлоқ хўжалигини рўйхатга олиш тадбирини ўтказиш.	млрд сўм	35,0	37,5	40,1
		Дастур мақсади: мамлакатда аҳолининг демографик ва ижтимоий-иқтисодий хусусиятлари, яшаш даражаси ва фаровонлиги, қишлоқ хўжалигининг ҳолати ва таркиби тўғрисида маълумотлар тўплаш, шунингдек, мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича давлат сиёсатининг устувор йўналишларини белгилаш ва амалга ошириш.				
		Якуний натижа кўрсаткичи				
		Аҳолини рўйхатга олиш натижасида олинadиган кўрсаткичлар сони	дона		150	
		Қишлоқ хўжалигини рўйхатга олиш натижасида олинadиган кўрсаткичлар сони	дона		50	
		Бевосита (тўғридан-тўғри) натижа кўрсаткичи				
		Қамраб олинadиган аҳоли сони	млн нафар		38	
		Услугий низомлар ишлаб чиқиш, чоп этиш ва оммавий ахборот воситаларида эълон қилиш, бейжик, блокнот ва ручка харажатлари	млрд сўм	14, 6		
		Асосий воситалар ва дастур учун харажатлар, SIM карта сотиб олиш, сервер қурилмаларини ижарага олиш харажатлари	млрд сўм	4, 7		
		Вақтинча ходимларни жалб қилиш учун тўланadиган иш ҳақи харажатлари	нафар	100		
						”.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2025 йил 19 сентябрдаги ПФ–173-сон Фармонига
6-илова

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг ўз кучини йўқотган
деб ҳисобланаётган айрим фармонлари
РЎЙХАТИ**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 февралдаги “Ўзбекистон Республикасида 2022 йилда аҳолини рўйхатга олишни ўтказиш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ–5655-сон Фармони.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 октябрдаги ПФ–5853-сон Фармони билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020–2030 йилларга мўлжалланган стратегиясида белгиланган вазифаларни амалга ошириш бўйича “Йўл харитаси”нинг 58-позицияси.

